

Зикр қилиш ҳақида

12:05 / 16.11.2018 2517

Ассалому алайкум! Азиз устозлар Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин амин! Номоздан сўнг Қуръон тиловат қиламан ва ўлганларга бахшида қиламан. Бир амру маруфда эшитдимки қабристонда қабр олдида яна ҳар доим ҳам Қуръон тиловат қилиш бидат эмуш. Шундайми? 2). Қуръон каримдан баъзи суралар китобчасини орқасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар ким бир кечада Қуръондан 100 оят ўқиса уни ғофиллар қаторига ёзмайдилар, Қуръондан 200 оят ўқиса уни обидлар жумласидан деб ёзадилар ва ким 300 оят ўқиса уни Аллоҳдан қўрқувчилардан деб ёзадилар ва кимки 400 оятини ўқиса қиёмат куни унинг номаи амолига икки қинтор ажру савоб ёзилади. Агар ҳар қинтор 100 мисқол бўлса ҳар мисқол 20 қирот бўлса ҳар бир қирот бир неча Ухуд тоғига тенгдир деган эканлар. (Ибн Аббос разияллоҳу анху ривояти). Шу саҳих ҳадисми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! 1). Бўлади.

2). [Амал](#) қилинадиган ҳадис. Валлоҳу аълам!